**Бухоро тумани хокимлиги**
**халк таълими булими**
**1-умумий урта таълим мактаби**

# Бошлангич синф укитувчиси Назарова Сабохатнинг укиш фанидан ёзган намунавий ДАРС ИШЛАНМАСИ



**Галаосиё - 2008 йил**



**Сана:** 14 декабр
**Синф:** 2 - «В»
**Сана:** 14 декабр 2007 йил
**Мавзу:** «Жавдар нон»

**ДАРС МАКСАДИ**

а) Матнни укиб мазмунини англаш, матн юзасидан турли усулларда укувчилар фикрларини англаш. Жавдар бугдойи хакида тушунча бериш.
б) Катталар мехнатини кадрлашга, табиатни, мехнатни севишга ундаш.
в) Огзаки, ёзма ва тасвирлаш кобилиятларини ривожлантириш.
**Дарс тури:** Янги билимлар бериш.
**Дарс шакли:** Уч боскичли.
**Дарс:** Ч. А. Ф
Ташкилий ишлар.
Кани айтинг болалар,
Ким навбатчи булади?
Ушбу куннинг хисобин,
Бизга айтиб беради.
Хафтада бор 7 кун,
7 кун-у, 7 тун
Яна шодон бошланган
Бугун жуда завкли кун.
- Бугун хафтанинг бешинчи укиш куни. Дарсда барча укувчилар тайёр. Тугрими, болалар?
- Албатта. Бугун оддий дарс эмас, балки синов дарсидир. Утиб олсак синовдан, бу биз учун яхшидир.
- Балли болажонлар. Яхши ниятлар билан дарсимизга биринчи каламимизни куямиз. дарс шиорини эсга оламиз.
Дарс шиори: Фаол булиш, интизомга риоя килиш, узгалар фикрини тинглаш, янгиликлар сари интилиш, вактдан унумли фойдаланиш.
- Бугунги дарсимизни Ч.А.Ф усулини куллаб утамиз.
Демак, дарснинг чакирув боскичи. Болажонлар биз хозир сиз билан «Уйнашни урганамиз» уйинини уйнаймиз. Кулимиздаги сузларга караб нималар куз олдингизга келади.
Киш, кор ёзилган суз курсатилади.
- Биз «Киш манзараси» матнини укиганимизда киш табиати хакида нималар дейилган эди?
- Укувчилар бири-кетин киш манзарасини тасвирлаб берадилар.
- Кор сузи курсатилади.
Кор хакида билганларини айтиб берадилар.
- Мен сизларга сузлар ёзилган когозларни таркатиб бераман. Хозир мен сизларга киш фаслида хар куни риоя киладиган ишларингиз хакидаги гапларни укиб бераман.

Иккинчи марта укиб берганимдан кейин кулингиздаги когозларни шундай кетма-кетликда жойлаштиришингиз керакки, когозлардаги сузлар мен укиган гапларни ташкил килсин.

Кишда барчамиз кайнатилган сув ичиб, маскаларда юрамиз. Витаминга бой меваларни ювиб истеъмол киламиз.

- Балли болажонлар, демак утилган мавзуларни эслаб коламиз. Мен сиздан хурсанд булдим. Шунинг учун совга сифатида сизга бир ривоят айтибберaман.

«Нон иси» ривояти айтиб берилади.

Укувчилар дунёда энг хушбуй нарса нима экан?

- Янги ёпилган нон иси.
- Биз бугунги дарсимизда дунёда энг азиз булган ризк-рузимиз нон хакидаги хикоя билан танишамиз.
- Дарсимизнинг Англаш боскичини бошлаймиз.
**Мавзу:** «Жавдар нон»
- Дарс максади эълон килинади.

- Бу хикояда, сизга ухшаган бир боланинг кишки таътил кунлари бувисининг уйига боргани ва у ерда кандай дам олгани хакида ёзилган. Хозир боланинг булган вокеани айтиб беришини эшитамиз.
- Магнит лентага ёзилган хикоя укувчиларга эшиттирилади.
- Энди хар биримиз матндан биттадан гап укиймиз.
- Энди тушунмаган сузлар юзасидан лугат иши утказамиз.
Хумсон-кишлок номи.
Угом-дарёга куйилган ном.
Кул бола-суз, мустахкам кулда ясалган.
Сандал-иссик жой.
- Укувчилар мавзу тушунарли булса, энди марказларга булинамиз., топшириклар бажарамиз.

**1-топширик.**

1. Санъат-Хикоядан укиб куз олдингизга келган кахрамонлар, буюм, жихозлар расмини тасвирлаб бериш.
2. Бадиий адабиёт маркази: Хикояни кисмларга булиб, сарлавха топади. Режа асосида сузлаб бериш.
3. Ижодкор маркази: Хикояни жонлантиради.

Дарснинг фикрлаш боскичига етиб келдик.

**2-топширик.**

«Кластер» уйини.
Сиз хозир асосан ким ва нима хакида укидингиз?
- Кишки таътил.
- Нон.
- Буви.

Бу уйинда сиз хар бир сузни ёритиб беришингиз, таърифлаб, кирраларини очиб беришингиз керак.









- Укувчилар бугунги дарсимизда нонни эъзозлаш, уни увол килмаслик, ушогини хам ерга туширмаслигимизни урганиб олдингиз.

**БАХОЛАШ:**

Укувчилар гурухлар буйича бахоланиб, рагбатлантирилади.

**ВАЗИФА:**

Матнни равон укиш ва сузлаб беришга тайёрланиш.